

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ**

**“ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА- ЛОЙИҲАВИЙ  
ТАШКИЛ ЭТИШ” КАФЕДРАСИ**

**“ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА-ЛОЙИҲАВИЙ ТАШКИЛ  
ЭТИШ” фанидан  
“ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА-ЛОЙИҲАВИЙ ТАШКИЛ  
ЭТИШ”  
мавзусидаги курс лойиҳасини бажариш учун**

**У С Л У Б И Й К Ў Р С А Т М А**



САМАРҚАНД - 2018



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ**

**“ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА- ЛОЙИҲАВИЙ  
ТАШКИЛ ЭТИШ” КАФЕДРАСИ**

Институтнинг илмий-услубий  
кенгашида кўриб чиқилди ва  
чоп этишга рухсат берилди.  
Рўйхатга олинди: \_\_\_\_\_  
Баённома № \_\_\_\_\_  
«\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 й

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Институтнинг илмий-услубий  
кенгаш раиси  
тех.фан.ном.доц. А.Р.Рахимов  
«\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 й

“ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА-ЛОЙИҲАВИЙ ТАШКИЛ  
ЭТИШ” фанидан  
“ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА-ЛОЙИҲАВИЙ ТАШКИЛ  
ЭТИШ”  
мавзусидаги курс лойиҳасини бажариш учун

## **УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

534 1000-“ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА-  
ЛОЙИҲАВИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ” БАКАЛАВР ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ  
ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН.

САМАРҚАНД-2018

## **УДК**

Мазкур услубий кўрсатма – Ўзбекистон Республикасида амалдаги давлат таълим ва соҳа стандартлари (лойиҳа ва ишчи хужжатларни расмийлаштириш ) талабларига ҳамда қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК, ШНҚ) га мувофиқ келишини таъминлаган ҳолда тайёрланган. Услубий кўрсатмада қишлоқ аҳоли пунктларининг лойиҳавий структураси, қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудининг комплекс ривожланиши, функционал лойиҳалаштириш тўғрига мувофиқлигини ҳисобга олиниши, архитектуравий қиёфасини мукаммаллаштириш, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий материал ва инсон ресурсларидан умумли фойдаланиш, рекреацион хизмат шакллантиришни ташкиллаштириш ва мавжудларини ривожлантириш ва лойиҳалаш жараёни билан боғлиқ барча омиллар кўриб чиқилган.

**Услубий кўрсатма 534100** –“Қишлоқ ҳудудларини архитектуравий лойиҳалаштиришни ташкил этиш” йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган.

### **Тузувчилар:**

**“Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лоyiҳавий ташкил этиш” кафедраси катта ўқитувчиси, Маматқулов Ўктам Ўсарович**

**“Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лоyiҳавий ташкил этиш” кафедраси ўқитувчиси, Ҳамидова Вазира Абдураимовна**

### **Такризчилар:**

**“Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лоyiҳавий ташкил этиш” кафедраси доценти а.ф.н., Хидиров Муҳсин Михайлович**

**«Univer pro stile» МЧЖ етакчи мутахассиси, архитектор Худойбердиев Келдиёр Саидкулович**

“ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА-ЛОЙИҲАВИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ” кафедраси мажлисида ( 2018 йил “ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ баённома ) ва “АРХИТЕКТУРА” факультетининг илмий-услубий кенгаш йиғилишида ( 2018 йил “ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ баённома ) кўриб чиқилган ва маъқулланган.

Чикиш белгилари: СамДАҚИ. Шакли А 4. Буюртма № \_\_ Адади \_\_ ҳажми \_\_

## М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	6
1. Қишлоқ аҳоли ҳудудлари.....	7
2. Қишлоқ аҳоли ҳудудларини архитектуравий режалаштириш лойиҳаси.....	8
3. Қишлоқ аҳоли ҳудудларини архитектуравий режалаштириш лойиҳасининг вазифаси.....	11
4. Қишлоқ аҳоли ҳудудларининг архитектуравий-режалаштиришни ташқил этиш.....	12
5. Қишлоқ аҳоли ҳудудларининг бош режаси.....	16
6. Қишлоқ аҳоли ҳудудларининг шаҳарсозлик паспорти.....	21
7. Лойиҳа таркиби.....	22
9. Назорат учун бериладиган саволлар.....	24
10. Хулоса.....	27
11. Тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар рўйхати.....	28
12. Бажарилган лойиҳалардан намуналар.....	29

## КИРИШ

Мустақиллик тугайли давлатимиз томонидан қишлоқ аҳолисининг муносиб ва сифатли турмуш кечириши ҳамда мамлакатимиз қиёфасини ҳар томонлама обод қилишнинг устувор вазифаларидан бири сифатида замонавий муҳандислик ва коммуникация, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган янги ҳамда кўркем уй-жой массивларини барпо этиш масаласи доимий диққат-эътиборда бўляпти. Қишлоқ аҳли ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага олиб чиқиш, унинг ривожини юқори поғонага кўтариш, шу асосда аҳоли турмуш сифатини янада ошириш йўлида қилинаётган улкан бунёдкорлик ишлари муҳим аҳамият касб этапти.

Хозирги кунда қишлоқдаги шароитларни яхшилаш ва замонавий турар жойларни лойиҳалаш ва қуришга талаб ошмоқда. Қурилиш сифатлари ривожланмоқда, қуриш техникалари ҳам такомиллашиб борапти. Шунинг учун қишлоқларни лойиҳалаш жараёнига катта эътибор бериляпти.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши бу йўлдаги муҳим қадам бўлди. Қарорда нафақат шинам ва обод уйлар қуриш, айти пайтда болалар боғчалари, умумтаълим ва мусиқа мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат, ижтимоий-маданий ва санитария объектлари, газ, сув, электр энергияси тармоқлари, равон йўллар, қишлоқ аҳлининг ҳар томонлама муносиб ва қулай ҳаёт кечириши учун зарур барча шароитларни ўз ичига оладиган замонавий тураржой мавзеларини комплекс барпо этиш вазифаси аниқ белгилаб берилди.

**Сўз боши.** Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентнинг 2005 йили 30 август ”Шаҳар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари амалга ошириш жараёнлари такомиллаштириш тўғрисида” қарор талабларини ва Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан имкон қадар қисқа муддатларда ва кам харажатлар эвазига таъминлаш мақсадида қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудининг архитектура–режавий ташкиллаштириш бўйча комплекс лойиҳа ишлаб чиқишда қишлоқ турар жойларини географик жойлашуви, иқлим шароити, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг жойлашуви, ишлаб чиқариш ва табиатни ҳисобга олган ҳолда замонавий шаҳарсозлик ҳужжати билан таъминлаш зарурияти қайд қилинган.

Ҳар бир аҳоли пунктини ривожланиш истиқболининг ҳал қилинишини асоси ҳисобланган комплекс шаҳарсозлик ҳужжатидир. Бу лойиҳа қишлоқ

фуқаролари йиғини ёки қишлоқ хўжалик корхонасининг бутун ҳудуди, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктлари, ишлаб чиқариш майдонлари, муҳандислик иншоотлари, экинзорлар ва бошқалар учун ишлаб чиқилади. Бу ҳужжат тасодифий, ижтимоий-иқтисодий зарурати тасдиқланмаган объектларининг қурулишга йўл қўймайди ва нихоят, қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудининг меъморий режавий ташкиллаштириш лойиҳаси барча қишлоқ фуқаролари йиғини бош режаларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Услубий кўсатмада қишлоқ ҳудудларини архитектуравий лойиҳалаштиришни ташкил этиш лойиҳасини бажариш тартиби, фанни ўзлаштиришда ва курс лойиҳасини бажаришда назорат саволлари ҳамда баҳолаш мезонлари кўрсатиб берилган.

**Услубий тавсиялар.** Қишлоқ ҳудудларини архитектура- лойиҳавий ташкил этиш фанини муваффақиятли ўзлаштириш учун туманни режалаштириш ва ҳудудий жойлаштириш, шаҳарсозлик асослари, транспорт ва муҳандислик ободонлаштириш, экология, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш назарияси каби фанлар асос бўлиб хизмат қилади. Услубий кўсатмада қишлоқ ҳудудларини архитектуравий лойиҳалаштиришни ташкил этиш лойиҳасини бажариш учун қўйилган талаблар, лойиҳани бажариш учун тавсиялар ҳамда компьютер графикасида ишлаш учун технологик тавсиялар берилган. Лойиҳалаш жараёни босқичма босқич бажарилиб лойиҳа объектларини лойиҳалашни асосий масалаларини ва ҳудудни муҳандисона тайёрлаш ечимларини ўз ичига олиб, график ва фото материаллардан иборат бўлади.

### **ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ҲУДУДЛАРИ**

Қишлоқ жойларни ўрганишда улар жойлашган ҳудуднинг **табиий шароитига** алоҳида эътибор бермоқ лозим. Хусусан, жойнинг иқлим шароити, релефи, сув ва тупроқ ресурслари, ўсимлик дунёси кабилар муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, қишлоқлар шаҳарларга нисбатан табиий шароит билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Қолаверса, маҳаллий қурилиш материаллари-қум, шағал, оҳак, тош ва бошқалар ҳам қишлоқ қиёфасининг шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Қишлоқ аҳоли пунктлари ўрганилганда улар, энг аввало, классификациялаштирилади. Бу жиҳатдан қишлоқлар уч асосий синфга бўлинади: кичик қишлоқлар (аҳоли сони 1000 кишигача), ўрта (1000-3000 киши) ва катта (3000 киши ва ундан ортиқ) қишлоқлар.

Махсус тадқиқотлар бу гуруҳлаштириш янада аниқроқ даражада бажарилади. Бунда, масалан, қишлоқларнинг катта-кичиклиги бўйича куйидаги синфларга ажратиш мумкин:

- майда қишлоқлар-аҳоли сони 500 кишигача;
- кичик қишлоқлар – 500-1000 киши;
- ўрта қишлоқлар -1000-3000 киши;
- катта қишлоқлар-3000-5000 киши;
- йирик қишлоқлар -5000 кишидан зиёд.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг юқоридаги гуруҳларга ажратилиши тасодифий эмас, албатта, турли босқичдаги қишлоқлар хўжалигининг ихтисослашуви ва мужассамлашуви, уларда таълим, савдо, соғлиқни-сақлаш, молия тизимига тегишли муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма шаҳобчалари ҳар хил бўлади.

Қишлоқларнинг катта-кичиклиги, аввал таъкидланганидек, уларнинг қайси соҳага ихтисослашувига боғлиқ. Ўз навбатида, қишлоқларда аҳоли сонининг кўп ёки камлиги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жойлаштиришга таъсир кўрсатади.

#### **ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ҲУДУДЛАРИНИ АРХИТЕКТУРАВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАСИ**

Қишлоқ аҳоли ҳудудларини архитектуравий режалаштириш лойиҳаси - ҳар бир аҳоли пунктини ривожланиш истиқболининг ҳал қилинишини асоси ҳисобланган комплекс шаҳарсозлик ҳужжатидир. Бу лойиҳа қишлоқ фуқаролари йиғини ёки қишлоқ хужалик корхонасининг бутун ҳудуди, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктлари, ишлаб чиқариш майдонлари, муҳандислик иншоотлари, экинзорлар ва бошқалар учун ишлаб чиқилади. Бу каби ҳужжат тасодифий, ижтимоий-иқтисодий зарурати тасдиқланмаган объектларнинг қурилишига йўл қўймайди.

Қишлоқ аҳоли ҳудудларини архитектуравий режалаштириш лойиҳасида турар жой, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектларни қуриш учун зарур бўлган территорияларнинг ҳисоб-китоби аҳолининг замонавий демографик тузилмаси ва ҳисобланган давр учун аҳоли сони ўсиши суръатларини ўрганиш асосида амалга оширилади.

Қишлоқ аҳоли ҳудудлари 3 та асосий қисмга бўлиниб лойиҳаланади.

1. Аҳоли яшаш ҳудуди;
2. Ишлаб чиқариш ҳудуди;
3. Қишлоқ хўжалик экин майдонлари;

Аҳоли яшаш ҳудудига:

- турар жой бинолари;
- жамоат бинолари;
- кўчалар, майдонлар, автостоянкалар ва кўкаламзорлаштирилган худудлар.

Ишлаб чиқариш худудига қуйидагилар киради:

- ҚФЙга қарашли бўлмаган ишлаб чиқариш майдонлари, ҚФЙга тегишли бўлган ишлаб чиқариш бинолари, омборлар, қишлоқ хўжалик техникаси гаражлари, устахоналар, чорвачилик ва паррандачилик фермалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари ва хўжалик эхтиёж моллари ишлаб чиқариш.

Қишлоқ хўжалик экин майдонларига қуйидагилар киради:

- Экин майдонлари, боғлар, узумзорлар, тутзорлар, ўрмонлар, яйловлар ва пичанзорлар.

Қишлоқ аҳоли худудларини архитектуравий режалаштиришда кўйдагилар назарда тутилади:

1. Иқтисодий таҳлил ва ҳар бир аҳоли пункти, қишлоқ фуқаролари йиғини худудининг яқин 5-7 йил давомида умумий ва кейинги 10-15 йиллар давомида истиқболи ривожланиши бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
2. Аҳоли сонининг яқин 5-7 йил давомида умумий ўсиш ва кейинги 10-15 йиллар учун истиқболли ўсиш суратларини лойиҳавий ҳисоб-китобини бажариш;
3. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, қўшимча иш жойларини ташкил этиш бўйича таклифлар;
4. Қишлоқ фуқаролари йиғини худудининг муҳандислик инфратузилмасининг такомиллаштириши, сув таъминоти ва канализация, газ ва иссиқлик таъминоти, электр энергия ва тизимларини амалга ошириш бўйича бажариладиган ишлар ҳажмини аниқлаш;
5. Уй жой объектлари қурилишини ривожлантириш;
6. Ижтимоий инфратузилма, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг тармоқларини ташкил этиш;
7. Маданий –ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш;
8. Тиббий хизмат кўрсатишини ташкил этиш;
9. Рекреацион муассасалари тармоқларини ташкил этиш ва территориянинг эстетик сифатини ошириш бўйича таклифларини ишлаб чиқиш;
10. Транспорт – йўловчи коммуникацияларини такомиллаштириш;

11. Экологик вазиятни яхшилаш, тарихий ва маданий обидалар, қийматига эга ландшафтлар ва сув ресурсларининг муҳофазаси ердан оқилона фойдаланиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг лойиҳавий структураси, қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудининг комплекс ривожланиши, функционал лойиҳалаштириш тўғрига мувофиқлигини ҳисобга олиниши, архитектуравий қиёфасини мукаммаллаштириш, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий материал ва инсон ресурсларидан умумли фойдаланиш, рекреацион хизмат шакллантиришни ташкиллаштириш ва мавжудларини ривожлантириш. Қишлоқ аҳоли пунктлари перспектив ривожланиши ва яқин 15-20 йилга анализ қилинади.

Қишлоқ аҳоли пунктлари ривожлантирилиши учун ҳудуд меъморий-режавий ечимларнинг техник-иқтисодий, санитария-гигиеник кўрсаткичлар, ёкилғи-энергетик, сув, ҳудудий захиралар, атроф муҳит ҳолатининг вариантларини таққослаш асосида, табиий ва бошқа шароитларнинг келажакдаги ўзгариши бўйича прогнозларни, ушбу ҳудудлардан оқилона функционал фойдаланиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда танланиши лозим.

Аҳоли пунктларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш учун ҳудудларни танлаш аҳолининг ишлаш, яшаш ва дам олиш жойларини оқилона жойлаштириш имконият-ларини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудларнинг табиий ва бошқа шароитларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, вариантларнинг техник иқтисодий, санитария-гигиеник ва меъморий-режавий кўрсаткичларини таққослаш асосида амалга ошириш зарур.

Янгидан қурилаётган аҳоли пунктлари учун, ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш учун ҳудудларни қишлоқ хўжалик мақсадида фойдаланилмайдиган ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлардан ёки қишлоқ хўжалиги учун сифати ёмон бўлган, фойдаланилган ҳолларда эса ўзлаштириш учун махсус муҳандислик тадбирларини ўтказиш талаб этадиган ерлардан танлаш лозим.



### **Худуднинг ҳозирги ўрганилган ҳолати**

Қишлоқларимиз архитектураси янги такомиллаштирилган меъморий лойиҳаларни қўллашга, қишлоқда қурилаётган биноларнинг меъморий туркумлашувига, яъни қишлоқ қурилишининг ансамбллаштирилиши ва комплекслаштирилишига ҳам боғлиқдир. Чунки, айнан ана шундай комплекс ва ансамбл кўринишидаги қурилишларгина қишлоқларимиз фойзига-фойз, чиройига-чирой бағишлайди ва қишлоқ қурилишининг гўзаллигини янада ошириш ва такомиллаштириш имкониятини яратади.

### **ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ХУДУДЛАРИНИ АРХИТЕКТУРАВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАСИНИНГ ВАЗИФАСИ**

Қишлоқ аҳоли ҳудудларини архитектуравий режалаштириш лойиҳасининг вазифаси қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудининг комплекс ривожланишини, функционал зоналашнинг мақсадга мувофиқ бўлишини белгилаш ва шунингдек, жойлаштириш тизимини шакллантирувчи барча аҳоли пунктларининг ўзаро боғлиқ, равишда ривожланишини рағбатлантириш, фермер хужалиқларини тўлақонли фаолият кўрсатишини ва фермерлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини қулай шароитлар билан, фермер хужалиқларини муҳандислик, ижтимоий ва маданий хизмат курсатиш инфратузилмалари билан таъминлашдан иборат.

Қишлоқ аҳоли ҳудудларини архитектуравий режалаштириш лойиҳасининг асосий вазифалари:

- Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши объектларининг ер қурилиши лойиҳаси ва қишлоқ хўжалик корхонасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнози билан уйғунлаштирилган ҳолдаги истиқболдаги тараққиётини, ушбу объектлар асосларининг жойлаштирилиши ва режалаштирилишини белгилаш;

- хўжалик ичида қарор топган жойлашувнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳудудий ташкил этилиши билан уйғунлаштирилган ҳолдаги реконструкцияси;

- қишлоқ хўжалик корхонаси аҳолиси, шу жумладан, ҳар бир аҳоли пункти бўйича аҳолининг лойиҳадаги сонини белгилаш;

- қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудида маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш;

- фуқаролар учун уй-жойлар ва ишлаб чиқариш мақсадидаги қурилиш учун зарур ҳажмларни ва улар жойлаштириладиган жойларни белгилаш;

- хўжалик ичидаги транспорт-пиёдалар коммуникацияларини ташкил қилиш;

- аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалик корхонаси доирасидаги муҳандислик таъминоти, ободонлаштирилиши ва ландшафтнинг шакллантирилиши бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- аҳоли сонидан қатъий назар аҳоли пунктларини режалаштиришнинг принципиал схемаларини ишлаб чиқиш;

- атроф муҳитни ҳимоя қилиш, табиат, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Санаб ўтилган вазифаларнинг ҳал этилиши вариантли асосда бажарилиши лозим, табиат ва бошқа ресурсларга энг кам зарар етказган ҳолда қишлоқ аҳолиси турмушининг юксак ижтимоий-иқтисодий даражасига эришиш уларни баҳолаш мезони ҳисобланади.

#### **ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ҲУДУДЛАРИНИНГ АРХИТЕКТУРАВИЙ-РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

ҲМРТ лойиҳаси қишлоқ кенгаши, ширкат хўжалиги, деҳқон фермер бирлашмалари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудини қамраб олади.

ҲМРТ лойиҳасининг мақсади қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш, қишлоқ аҳоли пунктларининг келажакдаги ривожланиши миқёсларини белгилаш, аҳолини

иш билан банд қилиш, ҳудудни муҳандислик ускуналари билан таъминлаш, ижтимоий инфратузилма, маданий-маиший, тиббий хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш, мактабгача ва мактаб таълими тизимини такомиллаштириш, шунингдек, қишлоқдаги турмуш муҳитининг экологик ва эстетик сифатларини оширишдан иборат.

Лойиҳа ечимлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш истиқболлари билан боғланади.

Қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудининг меъморий-режалаштирилиши лойиҳаси кўйидаги масштабларда бажарилади.

Ҳудуднинг ҳозирги ҳолати -1 : 10000, 1 : 25000

Ҳудуднинг лойиҳада ташкил этилиши (асосий чизма)- 1 : 10000, 1 : 25000

График чизмаларда кўйидагилар кўрсатилиши керак:

**Қишлоқ хўжалик корхонаси ёки қишлоқ фуқаролари йиғинини туманда жойлаштириш схемаси.**

- туман чегаралари, асосий ердан фойдаланувчилар чегаралари, лойиҳалаштирилаётган қишлоқ хўжалик корхонаси ёки ҚФЙ (қишлоқ фуқаролари йиғини), туман маркази, шаҳар ва ШТП (шаҳар типдаги поселкалар) ҳудуди, қишлоқ хўжалик корхоналарининг марказий поселкалари, халқаро, республика, вилоят ва туман автотўлилари, темир йўл линиялари ва бекатлари, вилоят ва туман аҳамиятига эга муҳандислик коммуникациялари ва иншоотлари, асосий ирригация каналлари ва коллекторлари, дарёлар ва сув омборлари.

**Ҳудуднинг ҳозирги фойдаланиши.**

- ҚФЙ, қишлоқ хўжалик корхонаси чегаралари, бошқа ердан фойдаланувчилар участкалари чегаралари, қишлоқ аҳоли пунктлари чегаралари, тураржойлар қурилган жойлар, жамоат бинолари участкалари, қишлоқ хўжалик корхонасининг ишлаб чиқариш ва омбор ҳудудлари, саноат корхоналари участкалари, дала ерлари, шу жумладан, шудгорлар, боғлар, тоқзорлар, тутзорлар, яйловлар ва ўтлоқлар, чорвачилик комплекслари участкалари, фермер хўжаликлари, ирригация каналлари ва коллекторлари, дарёлар ва сув омборлари, йўл-кўча тармоғи, темир йўл линиялари, магистрал муҳандислик коммуникациялари ва иншоотлари.

**Атроф муҳитнинг ҳозирги аҳволи ва режалаштирувчи чеклашлар схемаси.**

- пахта далалари, саноат корхоналари ва айрим ишлаб чиқариш объектларининг зарарли таъсир зоналари;

- қабристонларнинг санитария-ҳимоя зоналари;

- интенсив ҳаракатли автомобиль йўллари, муҳандислик ускуналари объектларидан санитария-ҳимоя зоналари;
- хавфли гидрогеологик ҳодисалар зоналари, сув тошадиган зоналар;
- сув оқиб кетадиган қувурлар, табиат ва маданият ёдгорликларининг кўриқлаш зоналари.

Барча зоналар режага лойиҳалаштирилаётган ҳудуддаги шамоллар эсадиган йўналишларни кўрсатиб туширилиши керак.

#### **Ҳудуднинг лойиҳада ташкил этилиши (асосий чизма).**

-ҳудуднинг таклиф этилаётган функционал зоналаштирилиши ва меъморчилик-режалаштириш тузилмаси; ижаранинг турли шакллари, кооперативлар, деҳқон фермер хўжаликлари, уюшмалар ва бошқаларнинг эҳтимолдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолдаги ердан фойдаланишнинг ўзгаришлари контурлари; уй-жой қурилишининг ривожланиши; мактабгача ва мактаб таълимини, аҳолига маданий-маиший, тиббий, рекреацион хизмат кўрсатишни ташкил этиш тизими; асосий транспорт ва пиёда йўллари, муҳандислик-техник инфратузилманинг ривожланиши; атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари кўрсатилади. Асосий чизмада ҳозирги фойдаланиш режасидаги мавжуд ва истиқболдаги, яъни ҳисоб-китоб муддатидаги ва биринчи навбатда қуриладиган барча элементлар кўрсатилади.

#### **Ҳудуднинг муҳандислик ускуналари схемаси.**

- муҳандислик ускуналари тизимининг мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган элементлари; сув, иссиқлик, электр ва газ таъминоти манбалари, магистрал қувурлар (водопровод, канализация, газ), тозалаш иншоотлари, алоқа линиялари кўрсатилади. Схема жуда тўлишиб кетганида алоҳида: «Сув таъминоти ва канализация», «Иссиқлик ва газ таъминоти», «Электр таъминоти ва телефонлаштириш» схемаларини ишлаб чиқишга йўл кўйилади.

#### **Изоҳнома**


Қисқа бўлиши ва 4 та бўлимдан: ҳозирги аҳволи, лойиҳа таклифлари, муҳандислик ускуналари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлардан иборат бўлиши керак:

– I бўлимда қишлоқ хўжалик корхонасининг жойлашган жойи; табиий шарт-шароитлар; қишлоқ хўжалиги; ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш; ҳудуднинг муҳандислик ускуналари; ҳозирги аҳоли, уларнинг жойлашуви ва меҳнат билан бандлиги; аҳолига ижтимоий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари аҳволини таҳлил этиш натижалари кўрсатилади.


– II бўлимда ҳудуднинг функционал зоналаштирилиши бўйича таклифлар; аҳолининг лойиҳадаги сони ҳисоб-китоби; хўжалик ичида жойлаштириш бўйича таклифлар; селитеб ҳудудлар ўлчамларининг ҳисоб-китоби; ҳудудларнинг лойиҳадаги ташкил этилиши; аҳолини иш билан банд қилиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, мактабгача ва мактаб таълими муассасалари тармоқини ташкил этиш бўйича таклифлар, йўл-кўча тармоқи, ирригациянинг лойиҳада ташкил этилиши, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича таклифлар бўлиши зарур.

– III бўлимда лойиҳалаштирилаётган ҳудуднинг сув таъминоти ва канализацияси, электр таъминоти, иссиқлик ва газ таъминоти, телефонлаштириш ва радиолаштириш бўйича лойиҳалаш таклифлари кўрсатилиши керак.

– IV бўлим ҲМРТ лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва смета-молиявий мулоҳазаларни ўз ичига олади.



**Қишлоқ аҳоли ҳудудининг ҳозирги ҳолати**



### Хозирги ҳолатидан фрагмент

#### ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ҲУДУДЛАРИНИНГ БОШ РЕЖАСИ

Қишлоқ аҳоли пунктининг бош режаси аҳоли пунктини ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболлари, унинг режалаштириш тузилмаси, селитеб, ишлаб чиқариш, коммунал-омбор ва бошқа функционал зоналари, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш тармоқлари, транспорт ва муҳандислик ускуналари тизимлари, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза қилиш тамойилларини белгиловчи асосий шаҳарсозлик ҳужжати ҳисобланади.

Бош режа қишлоқ аҳоли пункти ҳудудида лойиҳалаштириш ва қурилишни амалга оширадиган барча ташкилотлар учун мажбурий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

**Бош режа (асосий чизма)да қишлоқ аҳоли пункти ва унинг алоҳида функционал зоналари ҳудудининг меъморчилик-режалаш-тирилиши бўйича лойиҳа ечимлари кўрсатилади:**

- селитеб,
- ишлаб чиқариш,
- рекреацион,
- тарих ва маданият ёдгор-ликларининг қўриқлаш зоналари.

Асосий чизмада кўчалар ва тор кўчалар тизими, поселканинг бош маркази, маҳалла марказлари, асосий майдонлар, қаватли тураржойлар, жамоат бинолари участкалари, ишлаб чиқариш, омбор, коммунал объектларнинг жойлашуви, умумий фойдаланишдаги яшил кўкалам-зорлар,

атроф муҳитни, табиат ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар, шунингдек, ишлаб чиқариш ва селитбани ривожлантириш учун захирадаги ҳудудлар кўрсатилади. Қишлоқ аҳоли пунктининг лойиҳадаги чегаралари асосий чизмага ва аҳоли пунктини қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудида жойлаштириш схемасига ҳам туширилади.

Бош режанинг барча элементлари икки хил муддатда кўрсатилади: қурилишнинг биринчи навбати ва ҳисоб-китобдаги муддат. Қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари 10-15 йиллик ҳисоб-китобдаги муддатга, қурилишнинг биринчи навбати 5-7 йиллик муддатга ишлаб чиқилади.

Қишлоқ аҳоли пунктининг бош режасини ишлаб чиқишдан мақсад қуйидагилардан иборат:

- ҳудуднинг режалаштириш тузилмаси, функционал зоналаштирилишини аниқлаштириш, қишлоқ аҳоли пунктининг ҲМРТ лойиҳасида белгиланган жамоат марказларини ташкил қилиш;

- кўчалар ва майдонларнинг қизил линиялари, уйларнинг каватлилигини белгилаш;

- қурилишнинг тўлиқ-ҳажмли ва меъморчилик-бадий ечимлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- хизмат кўрсатиш корхоналарига эҳтиёжни аниқлаш ва уларнинг жойлаштирилишини белгилаш.

- ҳудуднинг муҳандислик ускуналари, ободонлаштирилиши ва кўкаламзорлаштирилиши, транспорт хизмати кўрсатиш, тарих ва маданият ёдгорликларини қўриқлаш ва фойдаланиш, ҳудуднинг муҳандислик тайёргарлиги, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш масалалари ечими.

Қишлоқ аҳоли пунктининг бош режаси қуйидаги масштабда ишланади.

Ҳудуднинг ҳозирги фойдаланилиши режаси (таянч режа) -1 : 2000

Қишлоқ аҳоли пунктининг бош режаси (асосий чизма)-1:2000

Қизил линияларнинг бўлинган чизмаси 1 : 2000

Муҳандислик ускуналари схемаси 1 : 2000

Кўчаларнинг кўндаланг йўналишлари 1 : 2000–1 : 100

Қишлоқ аҳоли пунктининг бош режасининг график ва матнли материаллари қуйидаги ҳажмда бажарилади:

- қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудида аҳоли пунктини жойлаштириш схемасида лойиҳалаштирилаётган қишлоқ аҳоли пункти хўжаликдаги бошқа аҳоли пунктлари, ишлаб чиқариш, коммунал-омбор зоналари ва қишлоқ

хўжалик экинлари зоналари билан боғлиқ ҳолда; автойўллар, темир йўллар, магистрал муҳандислик тармоқлари ва иншоотлари кўрсатилади;

- мавжуд аҳоли пункти чегаралари, қаватли уйлар, жамоат бинолари, томорқа ерлар, хўжалик иморатлари, кўча тармоқи ва хўжалик тор кўчалари, автомобиллар туриш жойлари, яшил кўкаламзорлар, сув хавзалари ва сув оқиб чиқиб кетадиган йўллар, кўприклар, тўғонлар, муҳандислик ускуналарининг магистрал тармоқ-лари ва асосий иншоотлари, омборлар, коммунал хўжалик объектлари, тарих ва маданият ёдгорликлари ва уларнинг қўриқлаш зоналари, барча турдаги қурилишга ажратиладиган ерлар чегаралари, лойиҳалаштири-лаётган қизил линиялар;

- атроф муҳитнинг ҳозирги аҳволи ва режалаштирувчи чеклашлар схемасида ҳудуднинг сейсмик даражаси кўрсатилган ҳолдаги қурилиш учун яроқлилиқ даражаси бўйича туманлаштирилиши; ишлаб чиқариш объектлари, саноат корхоналари, қабристонлар ва бошқа объектларнинг санитария-ҳимоялаш зоналари; сув оқиб чиқиб кетадиган йўллар, сув таъминоти манбалари, шу жумладан, ёнғинга қарши сув манбалари, қувурлар, юқори вольтли электр узатиш линиялари, тарих ва маданият ёдгорликларининг қўриқлаш зоналари кўрсатилади;

- қишлоқ аҳоли пунктининг бош режаси (асосий чизма) қишлоқ аҳоли пунктининг лойиҳалаш чегараларида қурилишининг меъморчилик-режалаштирилиши ечимини аниқлаши лозим. Унда б) кичик бандида санаб ўтилган ҳамма элементлар уч муддатга: мавжуд қўриқланадиган, қурилишнинг 1-навбати учун лойиҳадаги таклифлар ва ҳисоб-китобдаги муддат кўрсатилади. Шунингдек, ҳисоб-китобдаги муддат учун заҳирадаги тураржой, жамоатчилик ва ишлаб чиқариш қурилишлари ҳам кўрсатилади. Қурилишнинг 1-навбати ажратиб кўрсатилиши керак, шунингдек, лойиҳалаштирилаётган қизил линиялар, кўчалар классификацияси, пиёдалар ҳаракатининг асосий йўллари, хўжалик тор кўчалари ҳам кўрсатилади;

- муҳандислик ускуналари схемасида мавжуд, сақланаётган ва лойиҳалаштирилаётган водопровод, канализация, газ, иссиқлик, энергия таъминоти, телевидение, радио ва телефоннинг магистрал муҳандислик тармоқлари ва иншоотлари, лойиҳалаштирилаётган қишлоқ аҳоли пункти муҳандислик тармоқларининг туман магистрал линиялари ва иншоотларига кўшилиши жойлари кўрсатилади.

- Муҳандислик тайёргарлиги ва атроф муҳитнинг прогноз қилинадиган ҳолати схемасида ҳудуднинг муҳандислик тайёргарлиги бўйича лойиҳалаштирилаётган чора-тадбирлар (ер юзасидаги сувларни оқизиб юбориш йўллари)ни ташкил этиш, дренажлар, ҳавфли геологик


жараёнлардан ҳимояловчи иншоот-лар); атроф муҳитни яхшилаш бўйича лойиҳадаги таклифлар: шу зонадан чиқарилиши лозим бўлган ва зарарли таъсирини камайтириш учун махсус тадбирлар бажарилишини талаб қиладиган ишлаб чиқариш объектлари, кўкаламзорлаштирилган санитария-ҳимоялаш зоналари, автомагистраллар бўйидаги ҳимояловчи яшил зона.

Кичик қишлоқ аҳоли пунктлари учун 1: 2000 масштабли схемани ишлаб чиқишда кўчалар ва қизил линиялар ўқлари бўйича мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган баландлик белгилари ва бўйлама қияликлар кўрсатилиши лозим;


- алоҳида чизмада ёки альбомда кўчаларнинг муҳандислик тармоқлари жойлаштирилган лойиҳалаштирилаётган кўндаланг йўналишларини кўрсатиш керак бўлади;

- изоҳномада қуйидагилар баён қилиниши керак: асосий ҳужжатлар ва материаллар рўйхати, табиий шароитларнинг қисқача тавсифномаси, атроф муҳит ҳолатининг баҳоси, ҳудуддан ҳозирги фойдаланиш таҳлили, мавжуд қурилиш, тарих ва маданият ёдгорликлари, муҳандислик ускуналари, транспорт, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришнинг тавсифномаси; ҳудуднинг муҳандислик тайёргарлиги, лойиҳада қабул қилинган қурилишнинг меъморчилик-режалаштирилиши ва тўлиқ-ҳажмли ечимлари, ҳамма турдаги янги қурилиш ҳажмлари, уй-жойлар ва жамоат бинолари типлари, биноларнинг бузиб ташланиши изчиллиги ва ҳажмлари, сақлаб қолинадиган бинолар ва иншоотларнинг қайта таъмирланиши, кўкаламзорлаштириш тизими, тарих ва маданият ёдгорликларини ҳимоя қилиш ва фойдаланиш бўйича таклифларнинг асосланиши; аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини ташкил қилиш, шахсий томорқа хўжалигини юритиш, хўжалик иморатларини жойлаштириш, транспорт хизматини ва пиёдалар ҳаракатини ташкил этиш бўйича таклифлар, ҳудуднинг муҳандислик ускуналари ва муҳандислик тайёргарлиги бўйича қабул қилинган схемаларнинг асос-ланиши; атроф муҳитнинг яхшиланишига ёрдам берадиган шаҳарсозлик ва бошқа чора-тадбирлар баёни.

Тушунтириш хатида лойиҳанинг зарурий техник-иқтисодий кўрсаткичлари келтирилади, лойиҳани амалга ошириш ҳажмлари ва навбатлилиги юзасидан қабул қилинган ечимлар асосланади.



**Бажарилган лойихадан намуна**



**Бажарилган лойихадан фрагмент**

## ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ҲУДУДЛАРИНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК ПАСПОРТИ

Қишлоқ аҳоли пунктининг паспорти шаҳарсозлик ҳужжати бўлиб, унда қишлоқ аҳоли пунктини ривожлантириш йўналиши, унинг режалаштирилиши тузилмаси, функционал зоналаштирилиши, аҳолига маданий-маиший, ижтимоий хизмат кўрсатиш тамойиллари, муҳандислик ускуналари ва ҳудуднинг муҳандислик тайёргарлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари умумлаштирилган шаклда белгиланади.

Қишлоқ аҳоли пунктининг паспорти қишлоқ аҳоли пунктининг ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҲМРТ лойиҳаси ёки бош режаси асосида бажарилади.

Қишлоқ аҳоли пунктининг паспорти таркибига қуйидагилар киради:

- бош режа ёки ҲМРТ лойиҳаси асосий чизмасининг кичрайтирилган нусхасида бажарилган қишлоқ аҳоли пункти бош режасининг схематик чизмаси;

- Қишлоқ аҳоли пункти бош режаси схемасининг асосий йилга, қурилишнинг 1-навбатига ва ҳисоб-китобдаги муддат учун асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари;

- Қишлоқ аҳоли пункти бош режасининг схематик чизмасида қуйидагилар кўрсатилиши керак: қишлоқ аҳоли пунктининг мавжуд ва қурилишнинг 1-навбати ҳамда ҳисоб-китобдаги муддат учун лойиҳадаги чегаралари, уй-жой ва жамоат бинолари қурилишлари зонаси кўрсатилган селитеб ҳудудлар, ишлаб чиқариш ва омбор ҳудудлари, кўча-йўллар тармоғи, магистрал муҳандислик тармоқлари ва иншоотлари, темир йўл линиялари, рекреацион зоналар, санитария-ҳимоя зоналари, тарих ва маданият ёдгорликларининг қўриқлаш зоналари, қурилишнинг 1-навбати участкалари, ҳисоб-китобдаги муддат учун селитеб ва ишлаб чиқариш ҳудудлари захираси.

Қишлоқ аҳоли пункти паспортининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари асосий йилга ва ҳисоб-китобдаги даврларга қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

1) Қишлоқ аҳоли пункти аҳолисининг умумий сони;

2) демографик тузилма;

3) меҳнат ресурслари, яъни айнан:

- меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли;

- ишламайдиган аҳоли, шу жумладан, иш билан таъминланмаган;

- иш билан банд аҳоли, шу жумладан, шаҳар ҳосил қилувчи гуруҳ, хизмат кўрсатувчи гуруҳ.

4) Қишлоқ аҳоли пунктининг чегараларидаги жами ҳудудлар, шу жумладан:

- селитеб;
- ишлаб чиқариш ва омбор;
- санитария-ҳимоялаш зоналари;
- ноқулай ва бошқалар.

5) Селитеб ҳудуди доирасидаги аҳоли зичлиги;

6) Уй-жой фонди (жами умумий майдони);

7) Аҳолининг умумий майдон билан ўртача таъминланганлиги;

8) Уй-жой фондининг ўртача зичлиги;

9) Маданий-маиший қурилиш:

- болалар мактабгача муассасалари;
- умумий таълим мактаблари;
- тиббиёт муассасалари;
- савдо ва умумий овқатланиш объектлари;
- маданият ва спорт муассасалари;
- коммунал-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари;

10) Ҳудуднинг муҳандислик ускуналари:

- сув таъминоти;
- канализация;
- электр таъминоти;
- газ таъминоти;
- иссиқлик таъминоти;
- телефонлаштириш;

11) Ҳудуднинг муҳандислик тайёргарлиги:

- суғориш;
- ер ости сувлари даражасининг пасайтирилиши;
- ҳавфли гидрогеологик ҳодисалардан ҳимоя қилиш;

12) Атроф муҳит муҳофазаси:

- санитария-ҳимоялаш зоналари;
- шовқинли зоналарнинг кўка-ламзорлаштирилиши.

#### ЛОЙИҲА ТАРКИБИ

- Қишлоқ фуқаролари йиғини (Қишлоқ фуқоролар йиғини) ҳудуларини меъморий–режалаштиришни ташкиллаштириш лойихасига дастлабки асосий маълумотлар.

- Бунда: қишлоқ аҳолиси пунктлари сони, мактаб ва мактаб ёшигача бўлган болалар сони, Қ.Ф.Й. аҳоли пунктлари ҳудудларида жойлашган корхоналар муассасалар ва ташкилотлар рўйхати ва бошқа керакли

маълумотлар билан ташкил топган (йўллар хақида, электр тармоғи, сув тармоғи, газ, ирригация ва бошқалар хақида).

**Лойиҳанинг бажарилиш кетма-кетлиги.**

Лойиҳа қуйидаги тартибда бажарилади:

- тайёргарлик қисми;
- ижодий изланиш босқичи;
- ижодий ишлаш босқичи;
- тугатиш босқичи.

**Тайёргарлик қисми.** Талабалар қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш лойиҳасини тайёргарлик қисмида дастур ва топшириқнинг мазмуни билан таништирилади. Ҳудуднинг функциявий-режавий боғлиқликлари турур жойлар, жамоат маркази, ишлаб чиқариш ҳудудларининг боғланишларини схема-графалар орқали тушунтирилади. Мавзу бўйича кафедрада сақланаётган методик фонд материаллари, кўргазмали куроллар ҳамда керакли адабиётлар, услубий кўрсатма, махсус журналлар рўйхати билан таништирилади ва берилади. Лойиҳанинг таркиби, босқичлари ва ажратилган муддатлари билан таништирилади.

Аудиторияда мавзу бўйича клаузура бажарадилар.

Эскиз-клаузура таркиби:

1. Қишлоқ аҳоли ҳудуди бош тархи;
2. Бош тархда функционал жойлашув;

**Ижодий изланиш босқичи.** Талаба қишлоқ аҳоли ҳудудининг ҳозирги ҳолатини бош тархи бўйича ўрганиб чиқади ва маълумотлар тўплайди. Ўрганиб чиқиш натижалари ва маълумотлар асосида лойиҳанинг бир нечта эскиз вариантларини бажаради. Бажарилган эскиз вариантлардан энг яхшиси танланади ва эскиз-лойиҳа устида ишланади, масштабга туширилади. Тугалланган эскиз-лойиҳа раҳбар томонидан баҳоланади ва тасдиқланиб доска (планшет)га қаламда бажаришга рухсат этилади.

**Ижодий ишлаш босқичи.** Танланган эскиз-лойиҳани қаламда доска(планшет) га бажарадилар. Раҳбар тавсияси асосида графика танланади ва шу графика асосида лойиҳа ижодий ишлаб тугатилади.

**Охириги тугаллаш босқичи.** Лойиҳа баҳолашга қўйилади ва талаба томонидан ҳимоя қилинади.

Лойиҳа 1x1 ўлчамли доска(планшет)да бажарилади.

## НАЗОРАТ УЧУН БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

1. Қишлоқ аҳоли жойи нима?
2. ҲМРТ лойиҳасининг асосий вазифалари нимадан иборат?
3. Ишлаб чиқариш ҳудуди яшаш жойларга нисбатан қандай жойҳалаштирилади?
4. Кундалик хизмат кўрсатиш муассасаларига нималар киради?
5. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини қишлоқ аҳоли пунктларининг қаерларида жойлаштириш мақсадга мувофиқ?
6. Қишлоқ аҳоли пунктларида богча, мактаб ёшидаги болалар, нафақа ёшидаги уй иши билан шуғулланувчилар, коллеж, лицей ўқувчилари қандай гуруҳга киради?
7. Қишлоқ аҳоли яшаш ҳудудида қандай бино ва иншоотлар жойлашади?
8. Йирик қишлоқ аҳоли пунктлари аҳоли сони...
9. Санитария химоя зонасида қандай қурилмалар қурилиши мумкин эмас?
10. Қандай аҳоли пунктларда ўқитувчи уйи лойиҳаси амалга оширилади?
11. Қишлоқнинг ишлаб чиқариш ҳудудига нималар киради?
12. Ишлаб чиқаришидан ва катта кичиклигидан катъий назар шаҳар ва шаҳар типдаги посёлка статусига эга бўлмаган аҳоли тураржой ҳудудига нима деб айтилади?
13. Қишлоқ аҳоли пунктларида қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатадиган жамоа бинолари, ташкилотлар ва корхоналарда ишлаётган ишчилар қандай гуруҳга киради?
14. Ховли турар жой тушунчаси?
15. Чорвачилик ферма ҳудуди яшаш жойга нисбатан қандай жойлаштирилади?
16. Табиий ландшафт деганда нимани тушунасиз?
17. Аҳолига хизмат курсатиш гуруҳларига нималар киради?
18. Ишлаб чиқариш ҳудудида қандай бино ва иншоотлар жойлашади?
19. Аҳоли яшайдиган ҳудудни, ишлаб чиқариш ҳудудидан ва серкатнов йуллар томонидан чиқардиган зарарли газлар, нохуш хидлар, чанг ва шовкиндан қандай ҳудуд химоя қилади?
20. Қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари аҳолининг сонига қараб қандай гуруҳларга бўлинади
21. Блокланган турар жой тушунчаси?

22. Кизил чизик нимани англатади?
23. Катта қишлоқ аҳоли пунктлари аҳоли сони...
24. Ўртача қишлоқ аҳоли пунктлари аҳоли сони...
25. Қишлоқ хўжалик биноларига қандай бинолар киради?
26. Кичик қишлоқ аҳоли пунктлари аҳоли сони...
27. Бош тарх экспликациясида нималар кўрсатилади?
28. Тураржой худудини режалаштирганда нималар инобатга олиниб режалаштирилади?
29. 2010 йилда мамлакатимизда намунавий лойиҳалар асосида барча қулайликларга эга бўлган нечта уй-жой барпо этилди?
30. Ўқитувчининг уйи ва шифокор уйи қайси аҳоли пунктларда жойлашади?
31. Замонавий қишлоқ деганда тушунчангиз?
32. Кўкаламзорлаштириш деганда тушунчангиз?
33. Қишлоқнинг ишлаб чиқариш худудига нималар киради?
34. Қишлоқ бош тархлари қандай масштабда ишланади?
35. Қишлоқ аҳоли пунктлари бош тархлари қандай масштабларда чизилади?
36. Қишлоқ аҳоли пунктлари бош тархларида нималар кўрсатилади?
37. Маҳалла нима?
38. Қандай аҳоли пунктларда боғча уйи мавжуд?
39. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг "Шаҳар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш тўғрисида" қарори қачон қабул қилинган?
40. Болалар муассасалари таркиби қандай?
41. Ўқув муассасалари таркиби қандай?
42. Жамоат ва маъмурий – хўжалик муассасалари таркиби қандай?
43. Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш қисмларида объектларни жойлаштириш учун қайси ташкилот рухсати бўлиши керак?
44. Транспорт муассасаларига нималар киради?
45. Қишлоқ жойларида, саноат муассасалари атрофида ўрмон ҳимоя чизикларини яратиш, боғ ва паркларда экинлар экиш нима дейилади?
46. 2011 йилда мамлакатимизда намунавий лойиҳалар асосида барча қулайликларга эга бўлган нечта уй-жой барпо этилди?
47. Даврий хизмат кўрсатиш корхоналарига қандай корхоналар киради?

48. 2012 йилда мамлакатимизда намунавий лойиҳалар асосида барча қулайликларга эга бўлган нечта уй-жой барпо этилди?
49. 2013 йилда мамлакатимизда намунавий лойиҳалар асосида барча қулайликларга эга бўлган нечта уй-жой барпо этилди?
50. Типовой(андозали) лойиҳалар асосида қандай бинолар лойиҳаланади?
51. Ўзбекистонда қайси ҳудуд аҳоли энг зич жойлашган ҳудуд ?
52. Ўзбекистонда қанча қишлоқлар бор?
53. Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси қанча ?
54. Қишлоқ аҳоли пунктларининг аҳоли сонига қараб тоифаланиши қандай ?
55. Қандай жойга қишлоқ аҳоли жойи дейилади?
56. Жамоатга мўлжалланган майдонларнинг функцияси нимадан иборат?
57. Қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари аҳолининг сонига қараб қандай гуруҳларга бўлинади?
58. Қишлоқ аҳоли ҳудудлари қандай қисмларга бўлиниб лойиҳаланади?
59. Қишлоқ аҳоли ҳудудларининг ишлаб чиқариш ҳудудига нималар киради?
60. Қишлоқ аҳоли пунктлари бош тархлари қандай масштабларда чизилади?

## ХУЛОСА

Хозирги кунда қишлоқдаги шароитларни яхшилаш ва замонавий турар жойларни лойиҳалаш ва қуришга талаб ошмоқда. Қурилиш сифатлари ривожланмоқда, қуриш техникалари ҳам такомиллашиб борапти. Шунинг учун қишлоқларни лойиҳалаш жараёнига катта эътибор берилляпти.

Қишлоқ аҳли ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага олиб чиқиш, унинг ривожини юқори поғонага кўтариш, шу асосда аҳоли турмуш сифатини янада ошириш йўлида қилинаётган улкан бунёдкорлик ишлари муҳим аҳамият касб этаяпти.

Хулоса қилиб айтганда қишлоқ аҳоли ҳудудларини архитектуравий режалаштириш қишлоқ фуқаролари йиғини территориясининг комплекс ривожланиши, функционал зоналашнинг мақсадга мувофиқ бўлишини белгилаш, жойлаштириш тизимини шакллантирувчи барча аҳоли пунктларининг ўзаро боғлиқ равишда ривожлантиришни ташкиллаштириш, фермер хўжаликларини тўлақонли фаолият кўрсатишининг ва фермерлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини қулай шароитлар билан фермер хўжаликларини муҳандислик, ижтимоий ва маданий хизмат кўрсатиш инфратузилмалари билан таъминлашдан, уй – жой бинолари ва ижтимоий – маданий, санитария-маиший объектлари қишлоқ аҳоли пунктларида жамлашдан, қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг чегаралари, уларнинг келажакда кенгайишини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ фуқаролари йиғинлари ҳудудларининг архитектура-режавий ташкиллаштириш лойиҳасида белгилашдан иборат.

**ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР, МЕЪЁРИЙ  
ХУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ**

1. М.Умаров “Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби” модули бўйича ўқув услубий мажмуа
2. О.К. Гурулёв Архитектура жилых и общественных зданий для села. М. 1988 .
3. Кончуров Н. Планировка сельских населенных местъ. М. Высшая школа. 1992, стр.266
- 4.Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси”. Дарслик. 2-қисм., Тошкент, 2009.
- 5.ШНК 2.07.01-03\* Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш. Т. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. 2009
- 6.ШНК 2.07.04-06 «Қишлоқ хужалиги корхоналари худудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш» узбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кумитаси - Тошкент, 2006 й.
- 7.<http://www.natlib.uz/rus/calendar2006.pdf>- Национальная библиотека Узбекистана
- 8.<http://www.archunion.com.ua/clovarik.shtml>- Архитектурная энциклопедия.

**“ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИХА” БОШ ЛОЙИХА ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ  
ТОМОНИДАН БАЖАРИЛГАН ЛОЙИХАЛАРДАН НАМУНАЛАР**

